

(Роман ичидаги замон)

Тарихий-сийрат романларда замон ва макон чегаралари кахрамон хаёти солномасига кўп жихатдан мувофик келади. Бу хол табиий, албатта. Аммо тарихий асарлар турли асосларга курилади... Абдулла Кодирий хавасланиб роман ёзишга киришар экан, мозийга назар ташлайди. Адиб «мозий»га аниклик киритарок, «якин ўтган кунлар», «хон замонлари» бирикмаларини илова килади. Зеро, биринчи ўзбек романи «Ўтган кунлар»нинг номланишида замон-вакт ифодаси мавжуд.

Аслида, инсон акли билан чегараланган замон-вакт даврлар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, хафталар, кунлар, соатлар... каби бутунликни, астрономик каторни ташкил этади. Ижод аҳди тасвирлаётган воқеа-ходисаларининг ишончлилик кувватини ошириш учун шу астрономик вақтдан турли йўсинда ўз дунёкараши, махорати, фахм-фаросатига караб фойдаланади. Бошқачарок айтганда, бадиий асарда замон-вакт физикавий мазмундан адабий-фалсафий мохиятга кўчади.

Абдулла Кодирий вақтдаги «ўтган кунлар» ноаниклигини романнинг биринчи сатрларидаёқ парчалайди. Воқеалар сахнага чиқаётган замон аломатини аник битиб кўяди: «1264-нчи хижрия, долв ойининг 17-нчиси, кишки кунларнинг бири, куёш боткан, теваракдан шом азони эшитилдир...» (Абдулла Кодирий, «Ўтган кунлар», «Мехробдан чаён» романлар, Т., Г. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1994 йил, 3-бет. Кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан олинди).

«Ўтган кунлар»даги давр камровини белгилаш учун роман охирига назар ташлаймиз. Кумуш ўлган. Унинг мозорига «тошдан ўйиб ясалган лавха» кўйилган. Ўқиймиз: «...Кумушбиби бинти Мирзакарим Маргилоний тарихи таваллуди 1248 вафоти 1269 хижрий жумад-ул аввал...» (374-бет). Гарчанд Каноатшо Авлиё отадан Юсуфбек хожига мактуб йўллаб, Отабекнинг шаҳидлиги хусусида (роман «Хотима»сида берилишича) хижрий 1277 йил кузида хабар берган бўлса-да, «Ўтган кунлар»-даги воқеалар хижрий 1269 йили яқун топади. Демак, роман ичкарасида тахминан олти йиллик замон бор.

Бу ораликда 1265, 1267 каби хижрий йил саналари кайд этилади. Улар асосан романдаги мактублар охирида берилади. Масалан, Юсуфбек хожи Отабекни Тошкентдан ҳам уйлантириш ниятини билдириш учун Кутидорга хат йўллайди; ёзувчи унинг охирига «12-нчи савр (22 апрел-21 май) ойида 1265 хижрияда ёзилди» саналарини кўяди.

Воқеаларни кизгин нукта ва ечим томон харакатлантираётган ёзувчи ора-орада «бир ойлаб кечикиш», «бир ярим ойлаб вақтни Маргилонда ўтказиш», «орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди», «ўглини энди уч ойлаб кўзгалмай қолиши», «беш ойлаб Ок масжид сафаридан юриб келгач», «гайри маршруъ талок хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди», «бу воқеъага ўн саккиз, ўн тўккиз ойлар ўтиб кетган эди» тарзидаги

жамланган, чамаланган адабий вақт белгиларини қўллаб боради.

Кодирий йил фаслларини замон-вақт ифодаси учун, янада муҳимроғи, қахрамон рухий кечимини теранрок, ёркинрок намоён этиш учун онда-сондагина бериб ўтади. «Ўтган кунлар»нинг биргина жойида хижрий-камарий йил ҳисобининг бешинчи ойи — «жумадул-аввал» ёзилади. Бошқа саҳифаларда «27-нчи далв», «17-нчи савр», «17-нчи жавзо», «саратоннинг иккинчи куни...» сингари шамсий ой номларига кўзимиз тушади. Кунлик воқеа-ҳодисалар тасвири-тавсифида ижод аҳли чексиз замоннинг парчасига жуда кўп мурожаат этадилар. Ва аксар ҳолатларда куёшнинг чиқиши ва ботишини ёки соат милларининг югуришини вақт белгиси — аниқлиги учун илова қиладилар. Кодирий романларида кунлик вақтнинг «куёш ботган», «сахар пайти» ёки «бу кун соат ўн икки-да...», «ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...», «кечки соат тўртларда...» тарзидаги ифодалар онда-сондагина қўзатилади.

Ғоҳо айни тарздаги ифода ёнида кичик бир изоҳ қелади: «...куёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир», «сахар вақти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди», «Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртарок ҳукумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди...»

Вақт аломатининг ифодаси учун «шом азони» (шом вақти), «субҳнамози» (бомдод вақти), «асрдан бир оз эртарок» (аср вақти) шаклидаги кичик бир изоҳ, аниқроқ қилиб айтганда, кунда фарз ўларок беш маҳал адо қилинадиган намоз вақтлари Абдулла Кодирий романларида адабий замоннинг поэтик тизими даражасига кўтарилади. Айрим мисолларга қарайлик. Маргилонга йўлда тўрт марта тўхтаб етадиган Отабек «бу гал олтинчи кўнишда етди. Теваракдан аср азони эшитилган вақтда отдан кўнди...» (140-бет).

Отабекнинг дили қоронғу. Ўз дарди ўзига юк, ўз ёғига ўзи жизганак. «Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила пойчороғ ёнига ўлтуриб, Фузулий девонини варақлар эди...» (150-бет).

«Қувланиш» бобига назар соламиз. Бу ҳодиса қай маҳал содир бўлган экан-а? «Маълум отлик (Отабек — Б. К.) қутидорнинг дарбозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёғини узангудан узди. Шу вақтда шом намозидан қолмас учун шошилишиб қутидор ҳам йўлакдан чиқиб келди...» (183-бет). Сўнгра қувланиш баёни: «Отабек эсини бошига йигиб михланган еридан кўзгалганда, шом намози ўқулиб биткан, кишилар уйларига қайта бошлаганлар эди...» (184-бет). Унинг шу фурсатда қанча вақт ўзига қелолмай туриб қолганини аниқлаш қийин эмас. Қувланган Отабек Маргилонга неча бор баъзан «шом билан аср оралигида» жимгина қелади; бесамар кетади...

Умуман, романда биз иддаосида бўлган фикр ифодаси учун мисоллар етарли. Бир ўринда Хасанали «...шошиб-пишиб қазо бўлаётган аср намозини ўқуш учун жойнамоз» ёзади. Вақтни кўрамиз. Романнинг ўнлаб ўринларида «шом билан хуфтон ўртасида...», «Шомдан сўнг...», «Кун асрдан оғиб шомга яқин...», «...ҳаммалари масжидга чиқиб пешим ўқиб кириш учун кўзгалдилар», «Субҳ азони айтилиб...» сингари кунлик вақт аломатининг ифодасига оид таъбирлар учрайди.

Дарвоқе, энг муҳими, Отабек билан Қумушнинг дастлабки учрашув саҳнасини эслайлик. Бу учрашув қачон, қандай сабаб асосида юз берди? Адиб бу ажиб ва бегубор фурсат учун қандай воситани қўлади? Ўқиймиз: «Отабек Маргилон қелганнинг иккинчи куни

пойафзал бозорида бўлган эди. Аср намозининг вақти ўтиб боргашиқдан ул шундаги дўконларнинг бирисидан тахорат олиш учун сув сўради... Дўкондор унга сувнинг кулай ўрнини кўрсатди: «Мана бу бурчакдаги дарвозадан ичкарига кирсангиз, арикнинг юза жойини топиб тахорат олурсиз», деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича, кутидорнинг ташкарисига кирди. Шу вақт тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келувчи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам арик ёқасига келиб тўхтагон чингилин йигитка беихтиёр караб колди...» (61-бет).

Бундай "учрашув" ва "тасодиф"лар ҳам ишқий-саргузашт романларида жуда муҳим нукта саналади. Зотан, "Ўтган кунлар"дек дилбар бир роман ҳам "тақдир шамоли" измидаги «тасодифий» учрашув турткисининг махсулидир. Кодирий бу тасодифий учрашувни махорат билан уюштирди. Отабек сеҳрланади. гўё «чин бир ишқ"нинг лаззатли тўрига илинади. Турган жойида узок котиб қолади. Ёзувчи бу ҳолатга «кўб кутди, аср намозини казо қилиб куч билан кутидор уйдан чиқди», дея изоҳ беради.

Яна бир мисол. Роман «Хотима»сидан олдинги «Ой куни яқин эди» боби... Кечга томон Кумушнинг дарди кучаяди, доя хотин чақирилган «ўқтин-ўқтин дам-бадамга» айланади. Хожи хурсанд ё хафалиги номаълум киёфада «Далой ил ул-хойрот» номли китобни ўқиб ўтиради, ичкарига гоҳ-гоҳида кулок тутди. Хожи билан Хасанали масжиддан шомни ўқиб уйига қайтгач, Ойбодок уларга кечки овқатни беради. Ичкаридан хабар йўқ, овқат ҳам томоқдан ўтмайди. Отабекнинг дастурхон устида йўқтиги сезилмайди ҳам... «— Хуфтанга айтилдимиз? — сўради Хожи.

— Эшитмадим... Чика берсак ҳам бўлар, — деди Хасанали...» (366-бет).

Шу маҳал ичкаридан хотинларнинг кий-чуви эшитилади. Ойбодок «суюнчи» олади. Хожи билан Хасанали «шундан кейин хотиржам бўлган холда хуфтан» намози ибодати учун масжидга чиқади.

Кодирий чакалокнинг тугилиш пайти шом билан хуфтон оралигидаги вақтни, айна чокда шу вақт ичидаги босимни, мужмал кайфиятни, рухиятдаги огирлик ва енгилликни гоҳда махорат-усталик билан тасвирлайди.

Хуллас, Кодирий романларида кунлик замон бўлинмаларининг намоз вақтлари негизида белгиланишига адиб шууридаги табиий сезим ва туйгуларнинг ифода тарзи, имон-эътиқодли бир калам соҳибининг баён усули сифатида қараш ўринлидир. Колаверса, муҳит вақтномасини, замон ўлчамларини қахрамонлар тасаввурича ифодалаш романнинг таъсир қувватини, даражасини оширади ҳам.

Баходир КАРИМ,  
Ўзбекистон Миллий университет кафедра мудири